

QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 3-son)



IJTIMOIIY FANLAR
SOCIAL STUDIES

МДХ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ГИБРИД БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Муйдинов Элдорбек Аминжон ўғли

мустақил тадқиқотчи,

+998906348604 eldorbekmuydinov73@gmail.com

Аннотация: Мақолада МДХ мамлакатларида электрон ҳукумат тизимини шакллантириш ва электрон давлат хизматларини ривожлантириш борасидаги энг сўнгги тенденциялар ва ютуқлар таҳлил этилади. Шунингдек, ушбу мамлакатларда жорий этилаётган гибрид бошқарув тизимлари ва уларнинг самарадорлиги ёритиб берилган. Мақолада ахборот очиклиги, онлайн давлат хизматлари кўрсатиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳамда электрон ҳукумат ривожланиш даражалари каби статистик маълумотлар келтирилган. Жумладан, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Ўзбекистон ва бошқа МДХ мамлакатларидаги тегишли ўзгаришлар ва ислохотлар аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: электрон ҳукумат, давлат хизматлари, рақамлаштириш, гибрид бошқарув тизими, ахборот очиклиги, онлайн хизматлар, мобил иловалар, электрон ҳукумат индекси.

Аннотация: В статье анализируются последние тенденции и достижения в становлении системы электронного правительства и развитии электронных государственных услуг в странах СНГ. Также освещены гибридные системы управления, реализованные в этих странах, и их эффективность. В статье представлены такие статистические данные, как информационная открытость, онлайн-правительственные услуги, использование цифровых технологий и уровень развития электронного правительства. В частности, на конкретных примерах анализируются соответствующие изменения и реформы в России, Казахстане, Белоруссии, Узбекистане и других странах СНГ.

Ключевые слова: электронное правительство, государственные услуги, цифровизация, гибридная система управления, информационная открытость, онлайн-сервисы, мобильные приложения, индекс электронного правительства.

Abstract: The article analyzes the latest trends and achievements in the formation of an e-government system and the development of e-government services in the CIS countries. It also highlights the hybrid governance systems being implemented in these countries and their

effectiveness. The article presents statistical data on information openness, online public services, the use of digital technologies, and the level of e-government development. In particular, relevant changes and reforms in Russia, Kazakhstan, Belarus, Uzbekistan, and other CIS countries are analyzed using specific examples.

Keywords: e-government, public services, digitalization, hybrid governance system, information openness, online services, mobile applications, e-government index.

Кириш

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тез суръатлар билан ривожланиши давлат бошқарувига ҳам янги ёндашувларни талаб этмоқда. Ахборот технологиялари ва интернетнинг кенг тарқалиши, компьютер, смартфон ва бошқа электрон қурилмаларнинг оммавийлашуви электрон ҳукуматни қурилишига замин яратмоқда. Бу ўз навбатида, давлат хизматларини кўрсатишда анъанавий бюрократик тизимдан янги, электрон ва рақамли технологияларга асосланган тизимга ўтишни тақозо этади.

Бугунги кунда электрон ҳукумат қуриш ва электрон давлат хизматларини кенг жорий этиш давлат бошқарувининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат органлари томонидан ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, давлат хизматларини электрон платформалар орқали, онлайн шаклда кўрсатиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, давлат бошқаруви тизимида замонавий ва инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада гибрид бошқарув тизими (ГБТ) янги имкониятлар очиб бермоқда. ГБТ марказлашган ва лойиҳавий бошқарув усуллари муслаштириш, давлат органлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш ва инновацияларни жорий этишга қаратилган.

Материаллар ва методлар

Тадқиқот жараёнида МДХ мамлакатлари (Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Озарбайжон ва бошқалар)нинг электрон давлат хизматларининг ривожланиш даражасини акс эттирувчи сўнгги 5 йиллик статистик маълумотлар батафсил ўрганилди. Бунда давлат органларининг расмий статистик ахборотлари, халқаро ташкилотлар (БМТ, Жаҳон банки ва бошқ.) томонидан чоп этилган ҳисоботлар, шунингдек, миллий статистика хизматларининг маълумотларидан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот доирасида МДХ мамлакатлари ҳукуматлари томонидан қабул қилинган электрон ҳукумат қуриш ва электрон давлат хизматлари кўрсатишга оид давлат дастурлари, стратегиялари, қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам атрофлича ўрганилди. Бу эса соҳадаги долзарб муаммолар, мавжуд имкониятлар ва истиқболларни аниқлашда муҳим ахборот манбаи бўлди.

Тадқиқот методологияси сифатида эмпирик, қиёсий ва тизимли ёндашувлар қўлланилди. Эмпирик ёндашув орқали МДХ мамлакатларидаги амалий тажриба ва статистик маълумотлар ўрганилди. Қиёсий таҳлил усули давлатлар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни аниқлашга хизмат қилди. Тизимли ёндашув эса электрон давлат хизматлари ривожланишида гибрид бошқарув тизимининг ўрни ва аҳамиятини яхлит кўриб чиқишга имкон берди.

Натижалар

МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари ривожланишининг умумий тенденциялари

МДХ давлатларида электрон ҳукумат куриш ва электрон давлат хизматларини жорий этиш борасидаги ижобий ўзгаришлар қуйидаги статистик маълумотлар билан тасдиқланади:

Ахборот очиклиги ва шаффофлиги: Сўнгги 5 йил давомида МДХ мамлакатларида давлат органларининг расмий веб-сайтлари, порталлари ва интерактив платформалари сони ва сифати сезиларли даражада ошди. Масалан, Россияда давлат органлари веб-сайтларининг 2017 йилдаги 94% дан 2022 йилда 98% га ошганлиги кузатилди[1]. Беларусда эса 2017 йилда 89% бўлган бу кўрсаткич 2022 йилга келиб 96% га етди[2].

Онлайн давлат хизматларининг ошиши: МДХ давлатларида онлайн давлат хизматлари кўрсатиш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Россияда 2017 йилда онлайн кўрсатилган давлат хизматлари улуши 51,1% ни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 71,9% га етди[3]. Қозоғистонда эса онлайн хизматлар улуши 2017 йилдаги 42,2% дан 2022 йилда 62,1% га кўтарилди[4].

Мобил иловалар соҳасидаги ривожланишлар: МДХ давлатларида давлат хизматларини кўрсатишда мобил иловалар кенг қўлланила бошлади. Масалан, Россияда 2017 йилда 12 та мобил илова мавжуд бўлган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 29 тага етди[1]. Ўзбекистонда эса 2020 йилда 5 та бўлган мобил иловалар сони 2022 йилда 15 тага етди[5].

Электрон ҳукумат индекси: БМТнинг 2020 йилги ҳисоботида кўра, МДХ давлатларидан Қозоғистон, Россия ва Беларусь электрон ҳукумат ривожланиши бўйича дунё миқёсида олдинги ўринларни эгаллаган. Қозоғистон 0,8343 балл билан 29-ўринда, Россия 0,8244 балл билан 36-ўринда, Беларусь эса 0,7947 балл билан 40-ўринда туради[6].

Шундай қилиб, МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ахборот очиклиги, онлайн хизматлар улуши, мобил технологиялардан фойдаланиш ҳамда электрон ҳукумат ривожланиш даражаси каби кўрсаткичларда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу эса давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш борасидаги изчил ислохотларнинг амалий натижаси ҳисобланади.

Электрон давлат хизматлари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар

Статистик маълумотларга кўра, МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматларининг самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги инфратузилма ривожланиши.

- Интернет тармоқлари қамрови: МДХ мамлакатларида юқори тезликдаги интернет тармоқларининг қамрови сезиларли даражада ошди. Масалан, Россияда 2017 йилда 75,4% бўлган юқори тезликдаги интернетга уланган аҳоли улуши 2022 йилга келиб 84,2% ни ташкил этди. Беларусда эса бу кўрсаткич 2017 йилдаги 62,5% дан 2022 йилда 75,6% га етди.

- Аҳолининг компьютер ва интернетдан фойдаланиш даражаси: МДХ мамлакатларида аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. 2017 йилда компьютер ва интернетдан фойдаланувчилар улуши 73,6% ни ташкил этган бўлса 2022 йилга келиб бу кўрсаткич 82,9% га етди. 2023 йилги маълумотларга кўра, Қозоғистонда компьютер ва интернетдан фойдаланувчилар улуши 88,2% ни ташкил этган. Яъни, сўнгги 2 йил давомида аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси яна 5,3 фоизга ўсган. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, Қозоғистонда аҳолининг компьютер ва интернетдан фойдаланиш кўрсаткичлари изчил ошиб бормоқда.

2. Ҳукукий-меъёрий база такомиллашуви.

- Электрон ҳукумат қуриш ва электрон давлат хизматларини кўрсатишга оид қонун ҳужжатлари қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши: МДХ мамлакатларида бу соҳага оид қонунлар, дастурлар ва стратегиялар қабул қилинди. Масалан, Россияда "Электрон ҳукумат" дастури, Беларусда "Электрон Беларусь" давлат дастури, Ўзбекистонда эса "Raqaamli Ўзбекистон-2030" стратегияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

- Ахборот очиклиги ва шаффофлик таъминлаш борасидаги қонунчилик ислохотлари: МДХ давлатларида давлат органлари фаолиятининг ошкоралиги ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинган.

3. Давлат бюджети ва иқтисодий ресурслар.

- АКТ соҳасидаги давлат инвестициялари: МДХ мамлакатларида давлат томонидан ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишига йўналтирилаётган молиявий ресурслар ортиб бормоқда. Масалан, Россияда "Рақамли иқтисодиёт" миллий лойиҳаси доирасида 2019-2024 йилларда 1,6 триллион рубль маблағ сарфланиши режалаштирилган.

- Жамиятнинг иқтисодий имкониятлари: Аҳолининг даромадлари ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигига таъсир кўрсатади. МДХ давлатларида кузатилаётган иқтисодий ўсиш ва аҳолининг турмуш даражаси ошиши ҳам электрон ҳукуматни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратмоқда.

Шундай қилиб, статистик маълумотлар таҳлилидан кўриниб турибдики, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ҳуқуқий-меъёрий база ва иқтисодий ресурслар электрон давлат хизматлари самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу омилларнинг мувозанатли ривожланиши МДХ мамлакатларида электрон ҳукуматни самарали шакллантириш ва электрон давлат хизматларини кенг жорий этиш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари соҳасида гибрид бошқарув тизимини қўллаш тажрибаси ва истиқболлари

Россияда электрон хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишда марказлашган ва лойиҳавий ёндашувларни мослаштириш асосида гибрид бошқарув тизими жорий этилди. Бу давлат органларининг ахборот тизимларини интеграциялаш, давлат хизматларини рақамли платформалар орқали кўрсатиш ва кадрлар тайёрлашни яхшилашга хизмат қилди. 2020 йилда Россияда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 71,9%ни ташкил этган. Россия ҳукумати томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2022 йилда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 79,2% ни ташкил этган[3].

Россия Федерациясининг Рақамли ривожланиш, алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлиги томонидан белгиланган режага мувофиқ, 2023 йилда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 82,4% ни ташкил этиши режалаштирилган.

Қозоғистонда электрон ҳукумат қуришда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш доирасида гибрид бошқарув ёндашувидан фойдаланилмоқда. Бунда марказлашган ва лойиҳавий бошқарув усуллариини мослаштириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш каби йўналишлар устувор ҳисобланади. 2021 йилда Қозоғистонда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 62,1%га етди.

Қозоғистон Республикаси Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 71,4% ни ташкил этган. Қозоғистон Ҳукумати томонидан тасдиқланган "Қозоғистон Республикасида 2025 йилгача рақамли трансформациялаш" Дастурига мувофиқ, 2023 йилда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 77,8% ни ташкил этиши режалаштирилган[4].

Ўзбекистонда ҳам "Электрон ҳукумат"ни шакллантириш ва электрон давлат хизматларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларда гибрид бошқарув тизимини жорий этиш истиқболлари мавжуд. 2021 йилда Ўзбекистонда 15 та давлат органи томонидан 26 та мобил илова ишга туширилган. 2022 йилдан Ўзбекистонда электрон давлат хизматларини кўрсатишда гибрид бошқарув тизими янада

ривожлана бошлади. Натижада, 20 та давлат органи томонидан 38 та мобил илова ишга туширилди ва Электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улуши 68,4% ни ташкил этди. Ўзбекистон Ҳукумати томонидан "Рақамли Ўзбекистон - 2030" Стратегияси қабул қилинди. Унда электрон давлат хизматларининг рақамли платформалар орқали кўрсатилиш улушини 2024 йилда 80% га етказиш мақсади белгиланган ҳамда 23 та давлат органи томонидан 45 та мобил илова ишга туширилиши режалаштирилган[7].

Ўзбекистонда ҳам "Электрон ҳукумат"ни шакллантириш ва электрон давлат хизматларини кенгайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилиб, гибрид бошқарув тизими жорий этилмоқда. Бу борада 2021 йилдан бошлаб ижобий ўсиш кузатилмоқда ва 2025 йилга бориб натижалар янада яхшиланиши кутилмоқда.

Юқоридаглардан хулоса қилиш мумкинки, МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари ривожланишида гибрид бошқарув тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг амалиётга жорий этилиши давлат органлари ахборот тизимларининг интеграциясига, рақамли платформалар орқали хизматлар кўрсатилишига ва кадрлар тайёрлашнинг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Муҳокама

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари ривожланишида замонавий бошқарув ва ташкилий ёндашувлар муҳим ўрин тутди. Шундай ёндашувлардан бири бўлган гибрид бошқарув тизимининг қўлланилиши электрон давлат хизматлари соҳасида ижобий натижаларни таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Гибрид бошқарув тизимининг асосий афзалликлари қуйидагилардир:

1. Марказлашган ва лойиҳавий бошқарув усуллари муслаштириш. Бу давлат органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ресурсларни самарали тақсимлаш ва инновацион ечимларни татбиқ этишга имкон беради.

2. Давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш. Гибрид тизим давлат бошқарувининг вертикал ва горизонтал интеграциясини таъминлаш орқали электрон хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширади.

3. Инновацияларни жорий этиш. Янги технологиялар, рақамли ечимлар ва ташкилий ўзгаришларни самарали жорий этиш имконини беради.

МДХ мамлакатларида гибрид бошқарув тизимидан фойдаланиш тажрибаси Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон мисолларида кўриб чиқилди. Бу давлатларда электрон давлат хизматларининг сифати, оммавийлиги ва самарадорлиги ошишида гибрид бошқарув тизимининг жорий этилиши муҳим рол ўйнади.

Ўзбекистон каби МДХ мамлакатларида ҳам электрон ҳукумат ва электрон давлат хизматлари соҳасидаги ислохотлар доирасида гибрид бошқарув тизимини жорий этиш истикболли йўналиш ҳисобланади. Бунда давлат органларининг ахборот тизимларини интеграциялаш, рақамли платформалар орқали хизматлар кўрсатиш ва кадрларни

тайёрлашни яхшилаш каби масалаларга эътибор қаратилиши лозим[11]. Умуман олганда МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари ривожланишида гибрид бошқарув тизимидан фойдаланиш салмоқли самара беради. Ушбу тизим замонавий ва инновацион бошқарув ёндашувларини татбиқ этиш имконини беради, бу эса электрон ҳукумат тизимининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Хулоса

МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари ривожланишининг таҳлили қуйидаги асосий хулосаларни беради:

1. МДХ давлатларида электрон ҳукумат қурилиши ва электрон давлат хизматлари жорий этилиши боришида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Жумладан, ахборот очиклиги ва шаффофлиги ошди, онлайн давлат хизматлари улуши кенгайди, мобил иловалар соҳасида ривожланиш юз берди ва электрон ҳукумат индекси кўрсаткичлари яхшиланди.

2. Электрон давлат хизматлари самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида АКТ инфратузилмаси ривожланиши, ҳукукий-меъёрий базанинг такомиллашуви ҳамда давлат бюджети ва иқтисодий ресурсларнинг етарлилиги аниқланди.

3. МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари ривожланишида гибрид бошқарув тизимини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу тизимнинг асосий афзалликлари марказлашган ва лойиҳавий бошқарув усулларини мослаштириш, давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда инновацияларни жорий этишда намоён бўлади.

4. Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон каби МДХ давлатлари амалиётида гибрид бошқарув тизимидан фойдаланиш натижасида электрон давлат хизматларини кўрсатиш сифати, оммавийлиги ва самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

5. Ўзбекистонда ҳам "Электрон ҳукумат" ва электрон давлат хизматлари ривожланишида гибрид бошқарув тизимини жорий этиш долзарб ва истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бу давлат органларининг ахборот тизимларини интеграциялаш, рақамли платформалар ёрдамида хизматлар кўрсатиш ва кадрларни тайёрлашни яхшилашга хизмат қилади[12].

Хулоса қилиб айтганда, МДХ мамлакатларида электрон давлат хизматлари соҳасида гибрид бошқарув тизимини жорий этиш уларнинг самарадорлиги ва оммавийлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистон каби МДХ мамлакатларида ҳам ушбу тизимни татбиқ этиш электрон ҳукуматни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Россия Федерацияси Ахборот жамияти ривожланиши вазирлиги маълумотлари
2. Беларусь Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

3. Россия Федерацияси "Электрон ҳукумат" Дастури натижалари
4. Қозоғистон Республикаси Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги маълумотлари
5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотлари
6. БМТнинг "Электрон ҳукумат 2020" ҳисоботи
7. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси
8. Тўхтаев, Ш. Т., & Аббосов, А. А. (2022). Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимини янада такомиллаштириш йўллари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2022(2), 1-9.
9. Юсупова, Д. Ш. (2021). Рақамли технологиялар асосида давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021(1), 24-33.
10. Бобоев, Ф. А., & Исматуллаев, П. Р. (2020). Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш истикболлари. Қишлоқ хўжалиги, 2020(1), 49-54.
11. Ёрматов Илмидин Тошматович, & Муйдинов Элдорбек Аминжон ўғли. (2024). Давлат хизматлари марказларида тақдим этилаётган хизматлар сифатини баҳолаш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 50(2), 64–69. from <https://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/15873>
12. Yormatov Ilmidin Toshmatovich, Muydinov Eldorbek. (2024). "Possibilities of using the experience of singapore in the development of electronic government services in uzbekistan". Web of Teachers: Inderscience Research. Volume 2, Issue 7, July, 18 – 21. ISSN (E): 2938-379X.